Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 8-iyul, seshanba № 83 (3432)

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Мустақиллик кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандга ўзгача шукуҳ ва тароват бахш этди. Нафақат қадим кент, балки вилоятдаги барча ҳудудларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида қишлоқ ҳудудларидаги 30 та массивда 1050 та намунавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна шунча миқдорда бинолар барпо этиш, мустақиллик байрами арафасида уларнинг аксариятини битириш тараддуди авжида.

Ижтимоий муҳофаза – муҳим мезон

Самарқанд нафақат бунёдкорлик, балки иқтисодий юксалиш бобида ҳам залворли одимлар ташлади. Модернизация ва қайта жиҳозланиш эвазига саноатда ўсиш суръати 15,6 фоизга етди. Айни чоғда вилоятда 2 693 та саноат корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорти билан шуғулланиб келмоқда. Ишлаб чиқаришнинг қай жабҳаси бўлмасин кўрсатилаётган фидойилик меҳнат кишисини шарафлаётир.

Касаба уюшмаларининг бош мақсади меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу ижтимоий шериклик асосида адо этилаётир. Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида имзоланган уч томонлама минтақавий келишув ҳамда 11750 та жамоа шартномаси орқали 415 мингга яқин меҳнаткаш ижтимоий ҳимояси таъминланаяпти.

Жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш, кўзда тутилган имтиёз ва кафолатларнинг амалдаги ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан жамоат ташкилоти вакилларининг жонкуярлигига боғлиқ. Сир эмас, уч йил муқаддам вилоятда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларининг 91,8 фоизи жамоа шартномалари имтиёзларидан баҳраманд эди. Фаолиятни тубдан такомиллаштириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари имкониятини ошириш йўлидаги ислоҳотлар ўз самарасини берди. Ҳозирда меҳнат жамоаларида ишловчиларнинг 98,5 фоизи жамоа шартномалари қамровига олинган. Бу қонунчиликда белгиланган имтиёзларга қўшимча, жамоат ташкилоти томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланувчиларнинг етти фоиздан кўпроққа ошганидан далолат.

Бугун биз ходим манфаати, оила фаровонлиги, фарзандлар камолотини таъминлаш — устувор аҳамият касб этган бир шароитда яшаяпмиз. Қабул қилинган жамоа шартномаларида бу ўз аксини топаётир. Оддий бир мисол. 2010 йилда қабул қилинган жамоа шартномаларига ўртача 18 банддан иборат имтиёз ва афзалликлар киритилган бўлса, айни дамда амал қилаётган тадбирлар 71 тадан кам эмас. Кўриниб турибдики, ходимлар кейинги уч йил мобайнида элликдан ортиқ қўшимча кафолатларга эга бўлдилар. Ушбу мақсадларга сарфланаётган маблағ ҳам икки баробардан ошди.

(Давоми 2-3 саҳифаларда).

Юқори Чирчиқ туманидаги «Истиқлол» маҳалласида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган замонавий уй-жойлар ўзининг саранжом-саришта, кўркамлиги билан ажралиб туради. Бир текисда қурилган бинолар, кенг, ёруғ ва файзли кўчаларни кўриб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди.

Шаҳар билан бўйлашаётган қишлоқлар

Тошкент-Чорбоғ автомобил йўлидан бораверишда, Янгибозор муюлишига етмасдан қад ростлаган мазкур уй-жойлар аҳолининг ҳаётини тубдан ўзгартириб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади. Яқинда мазкур маҳалла аъзолари билан учрашиб, бунга амин бўлдик.

— Намунавий лойиҳа бўйича қурилган турар жойлар ҳудудимиз кўркига-кўрк қўшди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Қувондиқова. — Шунга ҳамоҳанг тарзда одамларимизнинг яшаш шароити, онгу тафаккури ўсди. Бошқача айтганда, қишлоқ билан шаҳар ўртасида фарқ қолмади, десак хато бўлмайди.

Маҳаллада яратилган шарт-шароитлар аҳолига катта қулайлик туғдирмоқда. Бу ерда учта ошхона, бешта дўкон, тиббиёт маскани, дорихона, сартарошхона, бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

«Истиқлол» маҳалласида 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Унинг қарийб 40 фоизи вояга етмаганлар. Ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги 31-, 9- умумтаълим мактабларида турли фан ва спорт тўгараклари, маҳаллада болалар майдончаси ташкил этилган.

Массивда транспорт ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жойлашган. Бу йил маҳалладаги 20 нафар йигит-қиз шу таълим муассасасини тамомлади. Битирувчилар ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва тикув цехига ишга олинди.

— Замонавий, барча қулайликларга эга, энг асосийси, қишлоқ шароитига мос уй-жойларга эга бўлганимизга ҳам бир йил бўлди-я! — дейди Зиёда Абдуллаева. — Мақтанаяпти демангу хонадонларимиздаги шароитга шаҳарлик уй бекалар ҳам ҳавас қилмоқда.

— Банк кредити фоизи ҳам жуда паст, — дейди хонадонлардан бирининг эгаси Зоҳид Эргашев. — Белгиланган тартиб бўйича, 15 йил ичида тўлаб борилади. Бундай катта имтиёз ва имконият туфайли қанчадан-қанча оила янги уйли бўлди. Бу ишларга бош-қош бўлаётган давлатимиз раҳбарига минг раҳмат.

Бу самимий гаплар — Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг ҳаётдаги ёрқин ифодаси, ҳамюртларимиз онгу тафаккуридаги инъикоси. Кўнгил ободлигининг оддий кўринишидир.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири

Ёз — 2014

Бахтим борки...

Болаликнинг кўзлари катта, кўрганлари ёдида қолади. Болаликнинг кўнгли-да нозик, арзимаган нарсаларга ҳам ҳайрат билан боқади. Эртамиз эгалари бўлмиш болажонларнинг ана шу ҳайрат ва қувончларини айни кунларда Сирдарё вилояти ҳудудида фаолият олиб бораётган оромгоҳларга ташриф чоғида кўришимиз мумкин.

Жумладан, Сирдарё туманида жойлашган «Сирдарё» болаларни соғломлаштириш комплексига кирибоқ, турли анвойи гуллару, салқинлик бахш этган баланд дарахтлар соясидаги ўйин майдонларидаги болажонларни кўриб, кўнглимиз кўтарилди. Дарвоқе, туман ҳудудида ҳар йил ташкил этиладиган тўртта оромгоҳ бу мавсумда битта комплекс кўринишини олди. Мазкур оромгоҳда 4 та ётоқхона, ошхона, тиббиёт, маънавият ва маърифат хоналари, сузиш ҳавзаси ва спорт майдонлари болажонлар ихтиёрида. Айни пайтда 370 нафар бола оромгоҳ меҳмони.

Эътиборли томони, бу йил 100 ўринли янги ётоқ жиҳозлари ҳамда ошхона учун ҳам жиҳозлар келтирилган.

Оромгоҳ раҳбари Мурод Абдуллаев оромгоҳда олиб борилган ишлар ҳақида тўхталди:

— Мавсум давомида болажонларнинг мароқли ҳордиғини таъминлай билиш керак. Шу боис, мавсум олдидан қарийб 2 ой аввал ҳамма ходимлар жамулжам бўлиб жиддий тараддуд кўрдик. Оромгоҳни уйимиз деб билдик, жажжи болажонларни эса эрка меҳмонларимиз каби кутиб оляпмиз.

Оромгоҳда фаолият юритадиган барча ходимлар зарур йўриқнома ва методик қўлланмалар билан таъминланган. Ҳудуд бинолари, маънавият хоналари миллий ва умуминсоний қадриятларга мос стенд, шиор ва кўргазмали қуроллар билан безатилган. «Компютер саводхонлиги», «Тасвирий санъат», «Моҳир қўллар», «Бадиий гимнастика», «Рақс» ва «Спорт» тўгараклари ишлаб турибди.

(Давоми 2-саҳифада).

Битирувчи — 2014

Фарғона вилоятидаги мавжуд 156 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши учун барча шароит яратилган. 2013-2014 ўқув йилида вилоятда 60 минг 900 нафардан зиёд йигит-қиз касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни битирди.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Тошлоқ хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежида 276 нафар битирувчига мутахассислик дипломи ва меҳнат дафтарчаси топширилди. Тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Коллеж битирувчилари бугун тайёр мутахассис сифатида барча соҳаларда иш бошламоқда, — дейди коллеж директори Маҳмуджон Маматов. — Битирувчилардан саккиз нафари имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, қолганлари эса ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашаётир.

ЎзА

Энг фаол ёш мутахассис

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишиш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларда Ватан туйғуси ва юртимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилаётир. Бунда, айниқса, Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарор ижросини таъминлашда касаба уюшмалари фаол иштирок этаяпти.

Рағбат фаолликка ундайди

Жумладан, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Энг фаол ёш шифокор» кўрик-танловининг қуйи босқичлари муваффақиятли тарзда ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, танловнинг 1-босқичи 158 та муассасада ўтказилиб, унда 791 нафар ёш мутахассис иштироки таъминланди. 2-босқич эса 84 та туман ва шаҳарлардан жами 510 нафар ёш шифокор фаол қатнашди.

Куни кеча танловнинг республика босқичига гувоҳ бўлдик. Тадбир давомида иштирокчилар ўз чиқишлари орқали касб маҳоратларини очиб беришга ҳаракат қилишди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан номзодларнинг ҳужжатлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, ғолиблар аниқланди.

Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази стоматолог врачи Санжар Шаропов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар Фарғона вилоят силга қарши кураш диспансери вилоят ДОТС маркази директори Нодирбек Усмонов ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали урогинекология бўлими врачи Баҳодир Ҳамроевга насиб этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёш мутахассисларга келгуси фаолиятларида омад тилашди. Ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиладиган «Ёш мутахассислар» республика Форумида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Баҳром НОРМУРОДОВ

Жаҳон чемпионати — 2014

Равшан Эрматов пешқадам

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов футбол бўйича жаҳон чемпионати финал босқичларида энг кўп учрашув ўтказган ҳакам бўлди.

Р.Эрматов Бразилияда давом этаётган жаҳон чемпионатининг чорак финалида Голландия ва Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги баҳсни бошқариб, ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатларидаги тўққизинчи учрашувини ўтказди. Бу кўрсаткич 1930 йилдан буён ўтказиладиган футбол мундиаллари тарихида ягонадир. Ўзбек ҳакамигача жаҳон чемпионатлари финал босқичларида ҳали ҳеч ким тўққизта учрашувни бошқармаган.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларда ҳакамлик қилиб келаётган Равшан Эрматов учрашувларни ишончли бошқариши, мураккаб вазиятларда тўғри ва тез қарор қабул қила олиши, футболчиларнинг руҳий ҳолатини яхши тушуниши каби фазилатлари туфайли қисқа вақтда дунёнинг энг яхши ҳакамлари сафига қўшилди.

2010 йили Жанубий Африка Республикаси майдонларида ўтган жаҳон чемпионатида илк маротаба қатнашганига қарамасдан бешта учрашувни бошқариб, халқаро спорт жамоатчилиги томонидан мусобақанинг энг яхши ҳакамларидан бири сифатида эътироф этилган Равшан Эрматов Бразилиядаги футбол мундиалида ҳам тўртта учрашувга ҳакамлик қилди.

Айни пайтда у жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қиладиган worldreferee.com сайти томонидан эълон қилинган рейтингда пешқадамлик қилмоқда.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятида «Қўйтош сув иншооти», Арнасой ва Зафаробод туманлари сув тақсимлаш иншоотлари ва қувурларини реконструкция қилишга мўлжалланган лойиҳа амалиётга татбиқ этилмоқда.

ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси буюртмаси бўйича 32,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳа Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида амалга оширилаётир. Лойиҳада бир кеча-кундузда 20 минг метр куб сув етказиб бериш қувватига эга «Қўйтош сув иншооти», Арнасой ва Зафаробод туманларидаги 15 та сув тақсимлаш иншооти ва қувурларини, 92,5 километр ички тармоқларни реконструкция қилиш, 10 та тик қудуқни қайта таъмирлаш ва янгидан қуриш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Жанубий Кореянинг «GS Neotek» ва «Singdon» консорциумлари томонидан амалга оширилган лойиҳа чўл ҳудудидаги туманларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш имконини беради, ичимлик суви тармоғининг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлайди.

САМАРҚАНД

Пайариқ туманида жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битириб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга банкларнинг имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

БИТИРУВЧИЛАРГА КРЕДИТ

— Бу йил Пайариқдаги ўн иккита касб-ҳунар коллежини битираётган 3 минг 564 нафар йигит-қиз орасида ўз бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади, — дейди Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қаюм Собиров. — Уларга амалий ёрдам бериш мақсадида коллежларга бириктирилган банклар томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Битирувчилар тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, кредит расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтиш тартиб-қоидалари билан таништирилди. Истиқболли бизнес лойиҳалари таҳлил қилиниб, банкларга тақдим этилди ва 346 нафар ёшга имтиёзли банк кредитлари ажратишга қарор қилинди.

Тадбирда битирувчиларга самарали тадбиркорлик фаолиятини юритиш юзасидан мутахассислар томонидан тавсия ва маслаҳатлар берилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Нукусда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

ЮРТ МАДҲИ

Тадбирда она Ватан, истиқлол, унинг улкан имкониятлари, миллий ўзликни англаш, асрий анъаналаримизнинг тикланиши, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш йўлидаги меҳр-эътиборни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабалари биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг талабаларига насиб этди.

ЎзА

Касаба уюшмалари:

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-йил 8-июл № 83 (3432)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жумладан, «Моҳир қўллар» тўгараги машғулотларини кузатиб, болакайларнинг оддий қамиш пояларидан турли буюмлар ясашига гувоҳ бўлдик. Тўғри, бу оддий машғулот, лекин бугунги қизиқишлар ривожланса, эртанги кунда ихтироларга сабаб бўлиши мумкин. Муҳими, улардаги яратувчанлик қобилиятини шакллантириш лозим.

***

Ҳар йили иқтидорли, болалар билан дўстлаша оладиган тарбиячилар оромгоҳга ишга таклиф қилинади. 6 йилдан буён оромгоҳ етакчи тарбиячиси Умиджон Наврўзов ана шундайлардан. Шошилинч тез тиббий ёрдам мутахассиси бўлган бу йигит дуч

Бахтим борки...

келган юмушни бажариб кетаверади: болаларга тиббий хизмат кўрсатади, тадбирлар ташкил қилиб, даврада сухандонлик қилади, қўшиқ айтади, мусобақаларда болалар билан бирга ўйнайди. Бу галги ташрифда ҳам уни болалар ёнидан топдик. Болалардан бири ўйинга берилиб тиззасини шикастлабди. Умиджоннинг ўзи унга тез тиббий ёрдам кўрсатиб, бунга ҳам қаноат қилмай, туман марказий шифохонасига бирга бориб келибди. Фақат болалар билан кунни ўтказиши сабаб ҳам кичкинтойларнинг дўсти, «акажон»ига айланган.

***

Оромгоҳ ҳудудида кезар эканмиз, атроф ҳовлилар эртак қаҳрамонлари тасвирлари билан безалганини кўрамиз. Бу бизнинг ҳам қалбимизни тиниқлаштиради, йўл чарчоғини унуттиради. Дарахт соясида расм чизиш билан машғул болаларнинг тасвирлари «Бахтиёр болалик» деб номланишига боқиб, беихтиёр болаликка қайтгимиз келади.

Эътиборимизни дўстлашиб улгурган икки кичкинтой суҳбати тортади:

— Келаси йил ҳам келасанми?

— Албатта, келаман. Сен ҳам кел...

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги «Шунқор» интеллектуал болалар оромгоҳи Янгибозор туманининг энг сўлим масканларидан бирида жойлашган. Ҳар куни эрталабдан бу ерда болаларнинг қувноқ қийқириғи янграй бошлайди.

Марокли кунлар

— Бу йилги мавсумда 400 нафар ўқувчиларнинг дам олиши, соғлиғини мустаҳкамлаши режалаштирилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Ҳамро Бектурдиев.

9-сон вилоят футбол мактаби қошида ташкил топган мазкур оромгоҳда «Юлдуз», «Камалак», «Ифтихор» каби гуруҳлар фаолият олиб бормоқда. Инглиз тилини чуқур ўрганишга қаратилган «Happy kids» тўгараги йўлга қўйилган. Тўгарак раҳбари Иззат Жабборов машғулот таъсирчанлигини ошириш учун турли услублардан фойдаланаяпти. Шу туфайли ўқувчиларнинг инглиз тилига бўлган иштиёқи ортмоқда. Шунингдек, «Моҳир қўллар», «Тарона» тўгаракларида ўқувчилар куй чалиш, ашула айтиш ва рақс сирларини ўрганишаётир.

Болаларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, оромгоҳга келганидан мамнун эканини изҳор қилишади. Соя-салқин жойда мусиқа тинглаш, рақс тушиш, шахмат ёки шашка ўйнаш ёшларнинг севимли машғулотига айланган. «Дўстлик — улуғ тушунча», «Ватан остонадан бошланади», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Огоҳлик — давр талаби», «Йўл қоидаси — умр фойдаси» мавзуларида суҳбатлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Яқинда бу ерда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зебо Нурмонова ва истеъдодли шоира Умида Нурзода билан учрашув ташкил қилинди. Ўқувчилар улар ижодидан баҳраманд бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган концерт дастурлари оромгоҳга файз бағишлаяпти.

Оромгоҳда ҳар бир кун шу тариқа таассуротга бой, сермазмун ўтмоқда.

Ўғилжон РАҲИМОВА

Бир маҳаллада яшовчи уч оғайни — Маъмуржон, Ҳамидилло ва Шукрулло мактабда ҳам бир синфда таҳсил олишади. Ёзги таътилнинг қайноқ кунларида кўлга бориб чўмилиш уларнинг жони дили. Аммо бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Чунки уйларига яқин ҳудудда чўмилиш ҳавзасининг ўзи йўқ. Шаҳар атрофига боришга эса ота-оналар кўнишмайди.

Боғ ичидаги кўл

болаларга қувонч бағишламоқда

Андижон шаҳрида жойлашган Нодирабегим номидаги маданият ва истироҳат боғида дам олувчиларга янги қулайликлар яратилгани кўплаб болалар қатори бу уч оғайнига ҳам чексиз қувонч бағишлади. Яқинда таъмирдан чиқарилган боғ ичидаги сунъий кўлда аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитни жамоатчиликка таништириш мақсадида ташкил этилган очилиш маросимида ота-онасининг етовида ташриф буюрган кўплаб болалар нариги соҳилда барпо этилган пляжда яйраб чўмилиб, катта завқ олдилар.

Бир вақтнинг ўзида мингга яқин киши ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлган боғда ёшлар учун теннис майдончалари барпо этилди. Бу ерга келтирилган тўртта қайиқ, иккита катер, ҳар бири ўн кишини бағрига сиғдира олувчи супа шаклидаги катамаранлар, болалар ва катталар учун пляжлар — буларнинг барчаси меҳмонларда қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, узоқ йил фойдаланилган катамаранлар ҳам юқори техник талаблар асосида таъмирланиб, дам олувчилар ихтиёрига топширилди. Пляжнинг орқа томонига ўрнатилган контейнер ичида эса эркаклар ва аёллар учун душ барпо этиляпти.

— Катер минувчи икки нафар мутахассисимиз Тошкентда ўқиб, малака ошириб қайтишди, — дейди боғ директорининг ёрдамчиси Рустамжон Солиев. — Яна икки нафар ғаввосни ишга олдик. Уларнинг кўмаги, албатта, турли кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Очилиш маросими доирасида байдаркачи ва эшкак эшувчи ўқувчилар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
Андижон вилояти.
Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат

Бу муқаддас Ватанда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифа).

Амалдаги йилнинг ўтган беш ойида вилоятда фаолият бошлаган янги корхоналар, ишлаб чиқариш субъектлари билан алоқа боғлаш, касаба уюшмаларининг афзалликларини ҳар бир ишловчига етказиш ҳаракатида бўлдик. Натижада, касаба уюшма бошланғич ташкилотлари 434 тага ортиб, 3915 нафар меҳнаткаш аъзоликка қабул қилинди. Илғор тажрибаларни ўрганиш, ходимлар касб малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ибратли ишлардан андоза олиш, тажриба алмашиш мақсадида Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан танишдик. Каттақўрғон шаҳри, Иштихон ҳамда Ургут туманларида барча бошланғич ташкилотлар етакчилари иштироки таъминланган ҳолда ҳудудий семинарлар ташкил этилди.

Ижтимоий муҳофазанинг ишончли кафолати — аҳоли бандлиги бўлиб, касаба уюшмалари тасарруфидаги маблағни иқтисод қилиш, бўш маблағлардан самарали фойдаланиш эвазига иш ўринлари очиш пайида бўлаётир. Ҳозирда вилоят касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан ҳудудда 30 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу мақсадга 55 млн. сўм йўналтирилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, хавфсиз иш шароити яратиш, меҳнат билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш касаба уюшмалари зиммасидаги асосий вазифалардан биридир. Жамоа шартномаларига мувофиқ, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда меҳнат шарт-шароитларини баҳолаш, иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини бартараф этиш чора-тадбирлари кўриб келинаётир. Айни чоғда 2914 та бошланғич ташкилотда уч босқичли маъмурий-жамоат назорати ташкил этилган. Меҳнат чоғида турли хасталикларга чалинган, иш қобилиятини йўқотган ходимлар манфаати ҳимояланиб, уларга қулай шароит яратишга кўмаклашилмоқда. Бирлашма кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўлими томонидан ана шундай ҳолатларга ижобий ечим топишга кўмаклашиш мақсадида 22 марта тиббий меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этилди. 11 нафар фуқарога қайтадан касб касаллиги бўйича ногиронлик гуруҳи белгиланишига кўмаклашилди. Меҳнатда зарарланган ходимларга тўланадиган нафақа ва соғлиққа етказилган шикаст учун ойма-ой тўланадиган

Ижтимоий муҳофаза — муҳим мезон

фаолиятини тубдан такомиллаштириб бораётган касаба уюшмаларида турли тадбир ва акциялар ташкил этиш боробарида, фуқароларнинг барча қатламига ижтимоий кўмак кўрсатилаётгани эътиборга молик. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳудуддаги ҳарбий қисмлар, таълим муассасалари, маҳаллаларда қатор маъданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ҳарбий қисмларга 2 дона компютер жамламаси топширилди, вилоятнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган, ҳарбий амалиётлар чоғида ҳалок бўлганлар оила аъзоларига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Шунингдек, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида 300 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига 4,5 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами берилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Самарқанд шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари учун «Наврўз — меҳр-мурувват, миллий қадриятлар ва анъаналар тимсоли» номли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, болажонлар ўртасида «Миллий қадриятлар — беқиёс бойлигимиз» шиори остида туркум тадбирлар уюштирилди.

Касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини ташкил этиш борасидаги ташаббус илиқ кутиб олинди. Бу аксарият корхоналарда ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти. Ўтган даврда вилоятдаги 300 дан зиёд меҳнат жамоасида уюштирилган турли спорт тадбирларида 11 минг нафардан зиёд ходимнинг иштироки таъминланди.

Эътироф этиш жоиз, жамоат ташкилоти шафелигида велоспортга қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётир. Кўкламда вилоятимиз спортнинг велоспорт-шоссе тури бўйича Ўзбекистон чемпионатига мезбонлик қилди. Тўрт кун давом этган баҳсларда нафақат юртимиз, балки қўшни Қозоғистон Республикаси ёш спортчилари ҳам иштирок этди. Корхона, ташкилот ва муассасалардан бошланган ҳаваскор велоспортчилар ўртасидаги «Касаба-тур» веломарафони юксак савияда ўтказилди. Унда 62 та корхонадан 849 нафар ҳаваскор қатнашди. Туман ва шаҳар босқичида иштирок этган қатнашчиларнинг 116 нафарини хотин-қизлар ташкил этгани эътирофга лойиқ.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш тизимининг такомиллашуви дам олувчилар сонини кескин оширди. Жорий йил биринчи чорагида 288 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олдирилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида 54 нафар ходимни бепул дам олдиришни назарда тутаяпмиз. Ўтган уч ойда ўндан зиёд меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари «Умид гулшани», Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Бу йил вилоятда 22320 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг 10500 нафари шаҳар ташқарисидаги 24 та стационар дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаради. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақасидан 1020 нафар, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ҳамда Узун туманларидан 200 нафар мактаб ўқувчиси баҳаво масканларда дам олдирилади.

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиори остида фаолият юритаётган касаба уюшмалари назаридан ҳеч ким ва ҳеч нарса четда қолмайди. Зеро, одамлар манфаатдорлиги таъминланган жойда салмоқли ютуқларга эришилади.

Фарҳод ХИДИРОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Самарқанд

Мустақилликнинг илк лаҳзаларидан хотин-қизлар меҳнати, турмуши, фаоллигини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Ҳозирда аёллар меҳр-эътибор оғушида. Меҳнат жамоаларида қабул қилинган жамоа шартномалари асосини аёллар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган бандлар эгаллаб келаётир.

Аёлни ардоқланг

«Самарқандсувлойиҳа» институтида ўн уч нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Бу ерда аёллар иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга жалб этилмайди. Фарзанд тарбияси билан машғул аёллар ҳақ тўланадиган қисқартирилган иш соатидан фойдаланиш имкониятига эга. Вилоят фермерлар уюшмасида амалда бўлган жамоа шартномасининг 14 банди хотин-қизлар манфаатини ифодалайди. Шунингдек, далада ишлаётган икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд аёлларга ҳар уч соатда танаффус бериш амалиётга киритилган.

Шаҳардаги қатор ташкилотларда ходимлар гимнастикасини ташкил этишга масъулият билан ёндашиб келинаяпти. Жумладан, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, «Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармаси, вилоят насос станциялари бошқармаси, Олимпия захиралари тайёрлаш маркази маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ходимлар гимнастикаси жадвал асосида ташкил этилмоқда.

Тизим корхоналарида оилавий спортни ривожлантириш бобида ҳам қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

Насиба ХАЙРИЕВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши мутахассиси

Истиқлол фуқароларимизга кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Кимда қанақа қобилият бўлса, ҳеч иккиланмасдан уни ҳаётга татбиқ қилиши мумкин. Фермер хўжалигимиз ҳам мустақилликнинг илк йилларида ташкил этилган. Ўтган давр тасарруфдаги ер майдонидан мўл ҳосил олиш, хўжалик иқтисодини юксалтириш йўлида ҳаракат қилдик. Ҳозирда тўла оёққа туриб олганмиз. Даромаддан ходимлар шарт-шароитини яхшилашга улуш ажратилаётир. Далада ишлаётган ходимларга нафақат маош тўлаш, балки уларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, уст-бош олиб берилаётир. Хонадонлари таъмирига маблағ ажратилмоқда.

Аъзо бўлиб ютқазмадик

Фаолиятимизни яхши йўлга қўйиш учун хўжаликда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузиш зарурати пайдо бўлганини пайқадик. Хўжалигимиз раҳбари ҳам бундай ташкилот тузилишига хайрихоҳлик билдирди. Агросаноат мажмуи ходимлари туман кенгаши билан келишган ҳолда таъсис конференцияси ўтказилди. Аъзоларимиз бир овоздан мени бошланғич ташкилот етакчилигига сайлашди. Икки ой мобайнида жамоат ташкилотига тааллуқли барча ҳужжатларни тахт ҳолга келтирдик.

Касаба уюшма сафида бўлишнинг ўзига хос масъулияти бор экан. Жамоа шартномаси қабул қилиш баробарида ходимларга катта афзалликлар яратилишини билиб олдик. Ходимлар ва улар оила аъзоларини дам олдириш, касаллик варақаларига ҳақ тўлаш, ҳомиладорлик таътилига чиқариш каби имтиёзлардан аъзоларимиз тамомила бебаҳра қолаётган эди. Эндиликда, жамоа шартномасига мувофиқ барча тадбирлар фермер хўжалиги томонидан молиялаштириладиган бўлди. Илк бор аъзоларимиз фарзандларини бепул оромгоҳ йўлланмаси билан таъминладик.

Вилоят ва туман миқёсида ташкил этилаётган касаба уюшма тадбирларида фаол қатнашаяпмиз. Касаба уюшмалари томонидан туманимизда ташкил этилган ҳудудий ўқувда кўп нарсани ўргандим. Энди етакчи бажаридиган юмушлар ҳақида тасаввурга эгаман. Фаолиятни жонлантириш, ходимларга берилаётган имтиёз ва кафолатлар миқдорини оширишга тўла асослар бор. Далада ишлаётган ҳар бир ишчи жамоат ташкилоти аъзоси бўлганидан мамнун. Иш берувчи билан келишган ҳолда Рамазон ойи муносабати билан ходимларни рағбатлантирдик. Бундан сўнг ҳар байрамда уларга эътибор қаратилади. Айни кунларда яна бир катта тадбирни режалаштириб турибмиз. Ўн беш нафар аъзо ва улар оиласини саёҳатга олиб чиқамиз. Тўғри, айни кунларда далада иш қизғин. Аммо фурсат топиб, албатта, бунга ҳам вақт топамиз.

Мавлуда МАМАСОЛИЕВА,
Иштихон туманидаги «Аллома Сарвар» фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Кенжа қизининг ҳаракатлари отада таажжуб уйғотди. Аммо ҳар тонг қизининг ғалати машқлар бажараётганига жим қараб туролмади. «Спортнинг шунақа тури ҳам бор» деган жавобдан сўнг ўйланиб қолди. Мустафоқул ака оддий қишлоқ одами. Далада ишлашни хуш кўради. Мамлакатимизда ишбилармонларга кенг имконият яратилганидан сўнг чорвачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этди. Иши қанчалик тиғиз бўлмасин, болаларининг қизиқишидан бохабар бўлиб турди. Кўп гапирмаса-да аёли кўз қарашиданоқ унинг иддаосини тушунди.

Чемпион

— Қўл жанги санъатига қизиқармиш, — деди у норозинамо. — Ўзингиз бир гаплашиб кўрсангиз бўлармиди. Ота, барибир, ота-да.

Ота жавобга ошиқмади. Қизидаги интилишни зимдан кузатди. Меҳри баланд. Машқларни ийда такрорлаши қаътиятидан дарак. Мавриди келиб қолганида гаплашармиз, дея мулоқотни ортга сурди. Мактабдан бўш вақтида машғулотларга шўнғийдиган Ноила бир куни туман миқёсида бўладиган мусобақаларда иштирок этишга изн сўраб қолди.

— Хўш, қизим, сен спортнинг қайси тури билан шуғулланаяпсан, — сўради Мустафоқул ака.

— Шарқ якка курашининг «Тандши» услубини ўрганаяпман, — деди Ноила.

— Катта опаларинг шахмат, валейболга қатнайди. Аканг курашчи, — дея гапни узоқдан бошлади Мустафоқул ака. — Сен сал мураккаброғини танлабсан-ов. Қийналиб қоласан чоғи.

— Тана билан ишлашда бу спорт турининг имконияти жуда катта. Қолаверса, сал нозикроқман. Машққа киришганимдан бери вужудимда қандайдир куч пайдо бўлганга ўхшайди. Кўрқманг, дада, бу муштлашувдан иборат эмас, худди гимнастика машғулотларига ўхшаб кетади, — деди Ноила.

Болаларининг раъйини қайтариб ўрганмаган, айниқса, фойдали ишга бел боғлаганда доим қўллаб-қувватловчи Мустафоқул ака эътироз билдириб ўтирмади. Туман миқёсидаги баҳсда тенгдошларидан кўра машқларни аниқ ва пухта бажарган Ноила устун деб топилди. Кичкинагина муваффақият ҳам одамдаги интилишни кучайтиради. Устозининг илиқ гаплари қизни ўзи устида кўпроқ ишлашга ундади. Ҳар куни қирқ нафарга яқин тенгдоши билан тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби залида устози Анвар Умаров кўмагида маҳоратини ошира борди. Бир куни Анвар ака

азиздир инсон!

ВИЛОЯТИ

Мустақиллик — олий неъмат. Биз кексалар бунинг қадрини яхши тушунамиз. Гапнинг рости, бугун ўтган кўчангда эртага адашасан. Буни қарилик аломатига йўйманг, бу бунёдкорликка бел боғлаган халқимиз азми-шижоатининг ижобатидан.

Ўғлимнинг ўрнига дам олдим

Ўғлим Ўктамжон шифокор. Ҳар доим: «Онажон, сизни диёримиз бўйлаб бир саёҳатга олиб боришим керак», дейди-ю серюмушлигидан қўли тегмайди. «Кўнглингда бор экан, болам, шунисига ҳам шукур», деб далда берган бўламан. Тунов куни ўзида йўқ хурсанд уйга кириб келди. Қўлида бир энлик қоғоз: «Мана, онажон, орзуим қисман бўлса-да ушаладиган бўлди, сафарга отланинг», дейди мамнун. «Қариганда қаёққа ҳам борардим, ҳазилингни қўйсанг-чи», десам ҳеч унамади. Сўнг бўлиб ўтган воқеа моҳиятини тушунтирди.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларга яратилган афзалликлар салмоғини кенгайтириб бораётган экан. Шунга мувофиқ, ўғлим ишлаётган ташкилот касаба уюшма қўмитаси томонидан санаторий йўлланмасини менинг номимга расмийлаштириб берибди. Ўғлимнинг ўрнига дам олиб келишим мумкин экан. «Сен ишлаяпсан, ўзинг дам олиб келақол», десам ҳеч унамади. «Мени ўйламанг, онажон. Ҳали яна имкон бўлади. Аввалари бир ходим беш йилда бир марта имтиёзли дам олиш имкониятига эга эди. Энди эса икки йилда бир марта жамоат ташкилотининг имтиёзли йўлланмаси билан дам олиши мумкин. Ёшман, икки йил кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Сиз дам олинг, онажон, мен дам олгандек бўламан», дея ҳеч кўймади.

Водий томонларга ҳеч йўлим тушмаганди. Ниҳоятда обод ва кўркам гўша экан. Уёқларда ҳам худди бизнинг Самарқанддагидек катта-катта қурилишлар жадал олиб борилмоқда. Кўчалари саранжом-саришта, ёғ тушса ялагудек. Сўлим маскан — «Чимён» санаторийсида мазза қилиб дам олдим. Сиҳатгоҳда мен тенгилар кўп экан. Биров ўғлининг, биров қизининг ўрнига дам олаётганига гувоҳ бўлдим. Шукр, ёшимиз бир жойга борганда истиқлолимиз шарофати билан сўлим водий шаҳарларини айланиб келиш имконига эга бўлдим.

Мамлакат НАЗАРОВА,
Самарқанд шаҳрида яшовчи онахон

Туризм соҳасининг ривожлантирилиши дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтирди. Жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам бунга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Хизмат – беминнат

Саёҳат нафақат томоша, балки руҳий озуқа ҳамдир. Дийдоридан баҳра оладиган масканлар заминимизда жуда кўп. Кўҳна кентда ҳар кун меҳмон. Шаҳардаги энг баҳаво манзилда касаба уюшмалари тасарруфидаги замонавий меҳмонхона қурилиб, ишга туширилиши катта воқеа бўлди, десам ҳеч муболаға эмас. Мана бир неча йилки, кўплаб юртдошларимиз, хорижлик сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиб келинаётир.

Бу ерда барча шароит яратилган. Сауна, чўмилиш ҳавзаси мавжуд. Биздаги қўноқлар ёз жазирамасида мўъжазгина ҳовлида мириқиб ором олиши мумкин. Спорт билан шуғулланиб, чарчоқни қувиш учун ҳам барча қулайлик мавжуд. Замонавий мебеллар билан жиҳозланган бир-икки кишилик ётоқхоналар сўнгги русумдаги телевизорлар билан таъминланган. Ошхонамизда турли овқатлар тайёрланади, буюртма асосида таомлар тайёрлаш имконияти ҳам бор.

Мажлислар залимизда турли тадбирлар, давра суҳбати ва учрашувлар ўтказиб турилади. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари меҳмонхонаси эшиклари ҳамиша очиқ.

Мансур РАҲМОНОВ,
«Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси раҳбари

Дунёда шундай касблар борки, улар кишини ёшартириш, гўзал ва орасталигини оширишга хизмат қилади. Ана шундай касбни танлаганимдан ҳеч ҳам ўкинмайман. Тўғриси, соҳам бўйича иш топиш масаласида бироз муаммога дуч келиб тургандим, касаба уюшмалари кўмагида иш ўрнига эга бўлдим.

Қарини ёш, ёшни гул...

Дугонам Гулжаҳон билан касб сирларини эгаллаганмиз. Бир куни у вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошида «Гўзаллик салони» очилганини айтиб, улар ўтказаётган танловда қатнашиш таклифини айтиб қолди. Бу хушхабардан яна бир дугонамиз Гулшанни ҳам воқиф этдик. Аввало, янги иш ўрни билан танишдик. Салоннинг замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлангани ҳавасимизни оширди. Қанийди шу ерда ишласак, деган орзу туғилди. Қатор қизлар билан баҳс бойлашиб, маҳорат бобида улардан устун эканлигимизни намойиш этдик. Ҳар учаламизни ҳам «Гўзаллик салони»га ишга қабул қилишди.

Мана уч ойдан ошаяптики, хотин-қизларга гўзаллик, орасталик бағишлаб келаяпмиз. Иш бошлаганимизга кўп бўлмаса-да мижозларимиз кундан-кунга ошиб бораётир. Арзон ва сифатли хизматимиз барчага манзур бўлмоқда. Касаба уюшмалари билан ҳамкорликнинг афзал жиҳати кўп экан. Жамоат ташкилоти бизга эркин фаолият кўрсатиш учун барча шароитни яратиб бераётир.

Зулхумор МАҲМУДОВА,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги «Гўзаллик салони» сартароши

Инсон қадри улуғланган юртда яшаяпмиз. Буни ўз бошимдан ўтказдим. Челак шаҳридаги транспорт касб-ҳунар коллежи ахборот ресурс марказида ишлардим. Иш ўрним қисқаргани сабабли муаммо ичида қолдим. Рўзғорнинг камукўсти деганларидек... Ўйлай-ўйлай вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ёрдам сўраб бордим.

Касаба уюшма ёрдами

Гапнинг очиғи, бу масалага фалон ташкилот дахлдор, ўша ерга мурожаат қилинг, деган жавобни кутгандим. Аммо ташкилот мутахассислари шароитимни ўрганиб, кўмаклашишларини айтишди.

Ҳозир ишлаяпман. Касаба уюшмалари ёрдами билан, албатта. Жамоат ташкилотининг ҳар бир мурожаатга эътиборли экани менга ва оиламга қўл келди.

Зарифа ТИРКАШОВА,
Челак шаҳри

ЎзА суратлари

ҚИЗ

мана шу тур бўйича вилоят миқёсида мусобақа ташкил этилаётганини, унда иштирок этишга Ноила ҳам лойиқ топилганини айтиб қолди.

— Мусобақа жиддий. Пухта ҳозирлик кўрмасанг бўлмайди, — деб қайта-қайта тайинлади.

Самарқанддаги муҳташам спорт мажмуасига вилоятнинг барча ҳудудидан спортнинг ана шу тури билан шуғулланиб келаётган ёшлар тўпланди. Беллашувларда Ноила ўрганган усулларини бенуқсон кўрсатишга ҳаракат қилди. Рақибларини бирин-кетин доғда қолдирган Ноилага вилоят очиқ чемпионатида фахрли биринчи ўрин насиб этди. «Кенжатой бўлсанг ҳам бизлардан ўзиб кетаяпсан», дея қутлашди ака-опалари.

Асли касби ҳисобчи бўлган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган онаси Ойдиной опа қизининг ютуғидан ҳаммадан кўпроқ суюнди. Қизида истеъдодни англаб, унга шарт-шароит яратиб беришга, турли юмушлар билан чалғитмасликка интилди.

Сухбат баҳона Тошмуродовлар оиласи кундалик турмуши билан танишиш имкони ҳам туғилди. Кўз олдимиздан болаликда кўрган-кечирган қишлоқ манзаралари ўтгандек бўлади. Каллаи саҳар онамиз уйқудан уйғонарди. Тўрғай сайрамасидан сигирларни соғиб, ўчоқда сутни пиширарди. Кўчадан юк машинасида одамларни дала юмушига эртароқ ундовчи жарчи бақириб ўтарди. Бир дунё юмушни бажариб бўлган онажонимиз бир пиёла чойни ҳам ҳаловатда ичолмасдан биз ётган сўрига ёпишарди. «Назокат, ҳой Шарофат, тур, укаларингни уйғот. Сутни пишириб қўйганман. Укангларга сузиб бер, мактабга кеч қоласанлар», дея узуқ-юлуқ жаврашлар билан рўмолига нон тугиб далага жўнарди. Нонуштани ҳар куни эгат бошида қиладиган онамизни шундан сўнг қош қорайганда ҳориб-чарчаган ҳолда кўрардик. Биз болалар учун ҳам иш етарли эди. Мактабга кичкинагина кетмонча кўтариб борардик, чала-чулпа ўқишу, номига имтиҳондан сўнг тўғридан-тўғри далага йўл олинарди...

Фермер Мустафоқул ака хонадонидаги бугунги манзара буткул бошқача. Ҳовлида болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун алоҳида майдонча ажратилган. Хонадонда турли спорт анжомлари. Бу ерда болаларни ҳеч ким силкитиб уйқудан уйғотмайди. Балки болаларнинг ўзлари барвақт туриб, танларини чиниқтиришга киришади.

— Қизим баҳонасида болалар спорти мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишдим, — дейди Ойдиной Тошмуродова, — Бу ердаги шароит кишини ўзига мафтун қилмасдан қолмайди. Бизнинг ёшлигимизда қиз болалар спортдан анча йироқ эди. Мактабимизда бўладиган онда-сонда футбол мусобақаларида фақат мухлислик қилганмиз. Замонамизга минг шукур, фарзандларимизга шундай шароит яратилганки, таърифлашга тил ожиз.

Ноила шу йил май ойида яна бир катта синовдан ўтишига тўғри келди. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон очиқ чемпионатида у вилоят босқичи ғолиби сифатида иштирок этди. Турли вилоятлардан келган якка кураш усталари орасида маҳорат бобида ҳам, жанг санъати услубларини қўллашда ҳам устунлигини намоён этди. Натижада, у мамлакат чемпионати ғолиби, Ўзбекистон чемпиони деган номни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Тиришқоқ қиз нафақат спортда, балки жамоат ишларида ҳам фаол. Жомбой туманидаги 23-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ноила Ҳайдарова ҳақида устозлари илиқ фикр билдиришади. Синфдошлари у билан ҳақли равишда фахрланишади.

— Юртимизда ёш авлод тарбияси,уларнинг жисмонан тетик бўлиб улғайиши учун барча шароит яратилган, — дейди Анвар Умаров. — Эндиликда ҳар бир қишлоқда истаган спорт тури билан шуғулланиш имкони мавжуд. Мураббийларга ҳам шарт-шароитлар етарли. Бугун дунё спорт ареналарида ўзбек спортчилари муносиб ўринга эга. Қирқ нафардан ортиқ қишлоқ ёшларига устозлик қилаяпман. Уларнинг ҳар бирида фақат бир орзу — чемпион бўлиш. Бундай иштиёқли ёшлар билан ишлашнинг ўзи бахт.

Ноиланинг умидлари, олдига қўйган вазифалари катта. У халқаро майдонларда ўзини намоён қилиш, дунёнинг етакчи спортчилари билан баҳс олиб боришни истайди.

— Биз учун имконият яратиб бераётган ватанимизга содиқ фарзанд бўлиш, унинг шаъни, обрў-эътиборини кўкларга кўтариш асосий мақсадим, — дейди Ноила Ҳайдарова.

Ҳар куни кўчамиздан одмигина, нозиккина бир қиз ўтади. У шарқ якка кураши тури бўйича Ўзбекистон чемпиони. Бугун бағримизда улғайиб, довруғи давон ошган навниҳолларимиздан бири. Истиқлолимиз фарзандларимизга ана шундай имкониятларни берди. Илгариги авлод нафақага етгунча мамлакатда ғолибликни забт этишни орзу қилиб ўтарди. Истиқлол фарзандларига бу давонлар чўт бўлмай қолди. Эндиликда, тенглар дунёсида тенг, устун бўлиш орзуси устувор бўлган бахтиёр болаларимизни кўриб, кўзимиз қувнайди.

Зулфия АТАМУРОДОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлар касаба уюшмаси Жомбой туман кенгаши раиси

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбири Нурилла Шамсиев тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади!

Танлов мавзуси: «Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болаларни, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, ногирон болаларни - ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларининг, турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;
- болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, ота-она - қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш;
- алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;
- ёшлар ва ўсиб келаётган авлоднинг фаровон ва соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш;
- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- болалар ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф -муҳит муҳофазаси борасида тасаввур шакллантириш;
- таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида ижодий интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш;
- «Бир болага етти қўшни ота-она» шоири остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;
- ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асосида кўп асрлик ва синовдан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат 9:30 дан 18:00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ - ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг ***www.new.fundngo.uz*** расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади!

Танлов мавзуси: «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;
- оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;
- болалар ва ёшларга замонавий билим ва касбларни эгаллашга кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- хотин-қизлар, ёшлар, ёш оилалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламларини янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд гуруҳларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш;
- янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;
- оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;
- республиканинг чекка туманларидаги хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;
- болаларни тарбиялашда, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, - ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан маҳаллаларда индивидуал ишлашни ташкил этиш;
- болалар ва аёлларни оммавий спорт турлари тадбирларига жалб қилиш, оилада анъанавий соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;
- болаларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг соғлом ва жисмонан - ривожланишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш;
- мураккаб ҳаётий шароитда қолган аёлларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмак кўрсатиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, - агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси-, Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат 9:30 дан 18:00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг ***www.new.fundngo.uz*** расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедовга укаси

Абдужаббор АҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ishonch
2014-yil 8-iyul № 83 (3432)

ТААССУРОТГА БОЙ ТАЪТИЛ



Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 250 ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли оромгоҳда болалар таътили мазмунли ўтказиши ва саломатлигини тиклаши учун барча шароит яратилган. Ахборот-ресурс маркази, компютер хоналари, маданий ҳордиқ чиқариш ва маънавият хоналари, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари, ошхона, тиббиёт хонаси ва ётоқхоналар болажонлар ихтиёрида. Бу ерда ўтказилаётган турли кўнгилочар, маданий-маърифий тадбирлар ўғил-қизларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

Суратларда: Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар

Саломатлик сабоқлари

«Иммунитет» сўзи лотинчадан кириб келган бўлиб, «бирор нарсадан халос қилиш» деган маънони билдиради. Хўш, у бизни нималардан халос этади? Ўйлаб қарайлик, кун давомида сув ичганимизда, таом еганимизда улар билан бирга танамизга кўплаб «ёт нарсалар» кириб келади. Теримизга эса ҳар қадамда бактериялар, вируслар, замбуруғлар ёпишиб олади. Бунинг устига ич-ичимизда зарарли ҳужайралар (масалан, саратон ҳужайралари) тинимсиз равишда «иш» олиб боради. Худди шу ташқи ва ички душманларимизнинг қудратли рақиби ҳам бор. Бу – организмнинг ҳимоя кучлари мажмуи, аниқроқ қилиб айтганда, иммун тизимидир.

Саёҳат қилинг — иммунитетингиз мустаҳкамланади

Иммун тизимининг вазифалари бир нечта аъзоларга тақсимланган. Шулардан бири суяк кемиги, у В-лимфоцитларни ишлаб чиқаради. В-лимфоцитлар асосан юқумли касалликлар қўзғатувчилари ва токсинларини зарарсизлантирувчи махсус оқсиллар (иммуноглобулин) — антителалар ишлаб чиқаради. Иммуноглобулинларнинг бешта тури (M, G, A, E, D) тиббиётда маълум. Буларнинг ҳар биттаси организмдаги бактериялар ва уларнинг заҳарларини сезиларли даражада йўққа чиқара олади.

Шунингдек, ичак шиллиқ пардаси секретида, сўлакда ва организмнинг бошқа суюқликларида кўплаб миқдорда А иммуноглобулин тўпланади. Худди шу иммуноглобулин ташқи муҳитдан вужудимиз ичига микроорганизмлар ўтишига йўл қўймайди.

Аммо ёт антигенлар (ёт ҳужайралар, вируслар, бактериялар, токсинлар)ни бартараф эта олувчи турли антителаларнинг организмда тўпланиши учун маълум вақт керак бўлади.

Иммун тизимида беҳисоб лимфоид тўқималар, шунингдек, миллиардларча ҳужайралар ҳам ёрдамга шай туради. Булар — лимфа тугунлари, ичак пейер деворларидаги бляшкалар, бодомча безлар, аденоидлар, чувалчангсимон ўсимта, ичакларнинг лимфоид тузилмалари, тери, шиллиқ қаватлар ва иммун тизими ҳужайралари бўлиб, улар кечаю кундуз тинимсиз ҳаракатланади. Ҳар бири худди машқини олган аскар каби ўз ўрнига эга. Организмга микроб кирган заҳотиёқ «аниқ буйруқ» га кўра ёвни киришга ошиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иммун тизимининг хотираси жуда кучли. Масалан, организмга бирорта инфекция тушди дейлик. Иммун тизими уни аниқлаб, топади ва нобуд қилади. Муҳими, у душманини эслаб қолади. Шу гуруҳдаги инфекция қайта ҳужум қиладиган бўлса, «хотираси ўткир» иммун тизими томонидан аёвсиз қириб ташланади.

Афсуски, баъзи юқумли касалликлар (масалан, ринит)да бундай ҳол юз бермайди. Сабаби, тумов (ринит)ни юзага келтирувчи вируслар «яшириниб» олади, шунинг учун иммун тизимининг хотира ҳужайралари уни аниқлолмайди.

Антигенлар баъзида, масалан, инъекция, юқумли касалликлар, тўқима ва аъзоларнинг кўчириб ўтказилиши натижасида организмга кирганда, уларнинг таъсирида қарши таначалар (антителалар) ҳосил бўлади. Антителалар антиген билан ўзаро реакцияга киришади ва шундан сўнг антигенни зарарсизлантиради.

Антиген таъсирида организмнинг иммунологик жиҳатдан қайта «қурилиши» орттирилган иммунитет дейилади. Орттирилган иммунитет фаол ва нофаол бўлади. Фаол орттирилган иммунитет кўпинча киши юқумли касалликлар билан оғриб тузалгач ёки организмга вакциналар юборилганда пайдо бўлади. Нофаол орттирилган иммунитет (сунъий равишда яратилган иммунитет) эса тегишли микроблар ёки бактериялар ишлаб чиқарадиган заҳарларга қарши ҳимоя антителалари мавжуд бўлган иммун зардобини организмга юбориш жараёнида ҳосил қилинади.

Иммунолог олимлар экологик зарарли омилларнинг (масалан, сув, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланиши ёки турли газлардан нафас олиш) таъсирида организм ўзини ҳимоялай олмаслиги ва натижада иммунитет сусайиб кетишини аниқладилар. Бундай вақтда одам сиртдан соппа-соғ кўринса-да, унинг иммун тизими иши бузилган ва иммунитети пасайган бўлади.

Агар дард сабаблари аниқланиб, шикастланган иммунитет физиологик меъёрга келтирилмаса орадан кўп ўтмай сурункали инфекция организмга жойлашиб олади. Кўпинча микроблар нафас йўлларидан ҳаво орқали бронхларга, ўпкага тушади. Меъда-ичак йўлларида ҳам касалликлар пайдо бўлади.

Шунингдек, иммун тизими асаб ва эндокрин тизимлари билан ҳамкорликда фаолият юритади. Агар қўрқиш, ҳаяжонланиш сабабли асаб тизими «стресс» сигналини юборса, буйрак усти безлари дарҳол глюкокортикостероид гормонларни кўплаб ишлаб чиқара бошлайди. Оқибатда қонда антителалар ва «қотил ҳужайралар» (Т-киллерлар ёки «тозаловчи санитарлар») ҳосил бўлиши камаяди ёки буткул тўхтайди ва организмнинг ҳимоя кучлари заифлашади, киши инфекцион хасталикларга мойил бўлиб қолади.

Иммунологиядаги изланиш натижаларига кўра, аксарият ҳолларда дори-дармонларни (айниқса антибиотикларни) пала-партиш қабул қилган кишиларнинг иммун тизими шикастланади. Шундай вақтда бу тизим ёт микробларга эмас, балки организмнинг ўз тўқималарига қарши антителалар ишлаб чиқаради. Кейин эса касаллик ўчоғи юзага келади.

Умуман, қуйидаги ҳолатларда организмнинг иммун тизими сусайиб кетади:

- одам тез-тез шамоллаб турса;
- герпес (учуқ) лабга ёки юз соҳасига тошса;
- бир йилда бир неча маротаба қовуқ шамолласа;
- аллергик ҳолатлар қайталаганда;
- касалликдан тузалгандан кейин умумий аҳвол ёмонлашса;
- кайфият тез-тез бузилса;
- терига нарсалар тошаверса.

Бундан ташқари, зарарли одатларга берилиш ва касалликларни ўз вақтида даволатмаслик ҳам ёмон. Чунки дард чўзилиб тез-тез қўзиб турса, организм кучсизланади, бемор ҳолдан тояди.

Кўпчилик одамлар иммун тизими ёмонлашса, табиий иммунстимуляторлар, масалан, женшен, лимонник, асал ва бошқалардан фойдаланишади. Булар чиндан ҳам асабни тинчлантириб, тонусни оширади, етишмаётган витаминлар ва микроэлементлар ўрнини тўлдиради, модда алмашинуви мувозанатини яхшилайди. Лекин ҳеч қачон бузилган иммун тизимни ўз ҳолига келтира олмайди. Бу нарсаларни қўшимча даво сифатида олиш мумкин. Одам янги гўшт ва сут маҳсулотлари, витаминларга бой мева-сабзавотларни истеъмол қилиши орқали иммун тизими ишини рағбатлантириши мумкин.

Иммунитетнинг сусайиб кетишига кўпинча антибиотикларни билиб-билмай ишлатиш сабаб бўлади. Маълумки, антибиотик биринчи галда иммунитетни ўлдиради. Шунингдек, стереоид гормонлардан ҳам жуда эҳтиёт бўлиш керак, уларни иммунмодуляторлар билан бирга қўллаган маъқул.

Организмни мустаҳкамлаш ва касалликларга чидамлиликни ошириш учун киши асаб-томир тизимини доимо машқ қилдириши зарур. Масалан, душда сувни контраст ҳолатда, яъни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ қилиб чўмилган яхши. Спорт билан шуғулланинг, эрталабки ҳавода (шабнамда ёки қорда) ялангоёқ юринг, саунада буғланиб, шифобахш гиёҳлар дамламаларидан ичиб туринг. Саёҳатларга боринг, кўпроқ табиат оғушида бўлинг, асабни асранг. Тўғри яшаб, доимо хушчақчақ юрсангиз ҳеч қачон касалликка чалинмайсиз. Умуман, вужудингиз қўрғони ҳисобланган иммунитетни мустаҳкамлаш чоралари кўрилса, ҳеч қандай жиддий хавф соғлиққа зиён келтирмайди.

«Сиҳат-саломатлик» журнали раҳбари Гулчеҳра ЖАМИЛОВА тайёрлади

Мулоҳаза

Ҳаётда барча ўз идеалини излайди. Кимгадир кино юлдузлари, китоб қаҳрамонлари идеал ҳисобланса, кимнидир буюк шахслар, санъаткорлар, иқтидор соҳиблари, спортчиларнинг ҳаёти қизиқтиради. Кўпчилик учун ота-онаси, устозининг фазилатлари идеал туюлади. Мисол учун, романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларидаги қаҳрамонлар минглаб миллатдошларимизга ибрат ва энг муҳими, ҳанузгача уларнинг фазилатлари ўз жозибасини йўқотмаган.

Бугуннинг қаҳрамонлари

ёки биз интилаётган идеаллар

Шу билан бирга, бугун ёшларимиз орасида нега Отабегу Кумушлар, Анвару Раъноларнинг камайиб кетаяпти, деган саволлар ўртага ташланаётгани ҳам бор гап. Бу бир томонлама қараганда ҳақли эътирозга ўхшайди, аммо мен бунга қўшила олмайман. Отабек ўз замонасининг ақли расо, билимдон, зиёли, иқтисоду сиёсатни яхши идрок эта олган ёшларидан. Унинг атрофдаги ҳар бир воқеа ва ҳодисага ўз фикри бор. Ва бу тўғри. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Отабек бизга замондош бўлганида қандай киши бўлиб етишарди?! Ишончимиз комилки, у ё зўр иқтисодчи, дипломат ёки қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунос, балки тадбиркор, ҳуллас, замонасининг энг илғор вакили бўла оларди. Ёки Раънонинг илмга ташналиги, мақсади йўлида интилувчанлиги, одобу гўзаллиги ёшларга намуна бўлиши мумкин...

Албатта, идеал излаганда ҳар бир нарсага ақл кўзи билан қараб, идеалимиздаги қаҳрамоннинг замони-ю кийинишига эмас, уларнинг умуминсоний туйғулари, ақл-фаросати, тафаккури, энг муҳими, олижаноблигига қараб баҳо берсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда бир нарсани айтмасам бўлмас. Ҳар йили баҳор қалдирғочлари мисол Зулфияхоним издошлари умидларимиз юлдузлари мисол танилаётган қизларимизда замонамиз Кумушлари-ю Раъноларининг энг гўзал фазилатлари, одоби ва ибоси мужассам. Йигитларимизнинг халқаро симпозиум, конференция ва олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллагани эса буюк аждодларимизга муносиб ворислар улғаяётганидан далолат. Уларнинг ютуқлари ёшларимиз нигоҳида ҳавас учқунларининг пайдо бўлишига сабаб бўлаётгани айни ҳақиқат. Аслида, бу ҳам идеалнинг мавжудлигига бир далил.

Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган даъвати ҳам, аслида, идеал авлодни вояга етказиш зарурлигига ишорадир. Бунинг учун эса ёш авлод юрагида ўз идеалларига нисбатан умид куртакларини экиб бориши зарур. Умид билан қадалган ниҳол эса ўз мевасини бериши, шубҳасиз.

Қундуз СУЛТОНОВА, Тошкент шаҳри

Юртимиз санаторийларида

ЎзКУФ тасарруфидаги Санатор-курортлар бошқармасининг «Чинобод санаторийси» ОАЖда «Оналар соғлиғи — соғлом ва баркамол авлоднинг саломатлиги гаровидир» деб номланган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда сиҳатгоҳ ходимлари билан бирга юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган дам олувчилар иштирок этди.

Она-бола соғлиги – эътиборда

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — саломатликнинг бебаҳо бойлик эканини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда оилаларда маънавий муҳитни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялашда ота-оналарнинг ўзлари ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишига эришишдир, — дейди бошқарув раисининг даволаш ишлари бўйича муовини И.Зокиров. — Санаторийда даволанаётганларнинг ҳар бири битта оиланинг устуни. Уларнинг бу ердан нафақат дардидан фориғ бўлиб, балки маънан юксалиб хонадонларига қайтиши учун бор имкониятни ишга солаяпмиз. Оилада ота-она билан болалар ўртасида соғлом муҳит яратиш ва тиббий маданиятни ошириш эса биз, шифокорларни дам олувчилар билан янада кўпроқ мулоқот қилишга чорлайди.

Маданий-маърифий тадбир ҳар бир иштирокчида катта таассурот қолдириш билан бирга, оилалар мустаҳкамлиги, соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

— Ўн йилдан буён ушбу санаторийда даволанаман. Бу ердан нафақат даволаниб, балки бир олам янги тиббий кўникмалар билан оилам бағрига қайтаман. Соғлом авлод тарбиясига масъул бўлган биз, ота-оналарни шифокорлар тиббий билимимизни ошириб, замонавий асбоб-ускуналар, шифобахш сув ва ширин сўзлари билан даволашаётганидан беҳад мамнунмиз.

— Бугунги тадбирда қатнашиб шуни англадимки, фарзандларимиз баркамол бўлиши учун, аввало, биз ота-оналар соғ бўлишимиз ва хатти-ҳаракатларимиз билан уларга ижобий таъсир кўрсатишимиз керак экан, — дейди Ғузор туманилик Муқаддас Ҳайдарова. — Ўзим муаллим бўлганим учун тадбирдан жуда катта сабоқ олдим. Соғлом ва баркамол авлоднинг саломатлиги йўлида ташкил этилган тадбир ҳар бир иштирокчида унутилмас таассурот уйғотди. Унда фаол қатнашганим учун санаторий маънавият ва маърифат кенгаши томонидан эсдалик совға билан тақдирландим.

Санаторий бадиий ҳаваскорлик жамоасининг дилрабо куй ва қўшиқлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ, «Чинобод санаторийси» ОАЖ маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. 2014 йил 12 август куни соат 11-00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Бухоро вилояти бошқармасининг 02.07.2014 йилдаги 13/866-14-сонли буюртмасига асосан бошқарма ҳисобидаги бошланғич баҳоси 6 200 000 сўм бўлган, 2000 йилда и/ч Нексия русумли д/р 80/ 346 ААА автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2014 йил 12 август куни соат 12-00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «Бухорогипс» очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг 02.07.2014 йилдаги 304-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги **1-ЛОТ.** бошланғич баҳоси 11 025 000 сўм бўлган, 2007 йилда и/ч КРАЗ-65055-063-02 русумли д/р 80 М 000029 автотранспорт воситаси, **2-ЛОТ.** бошланғич баҳоси 10 500 000 сўм бўлган, 2007 йилда и/ч КРАЗ-65055-063-02 русумли д/р 80 М 000033 автотранспорт воситаси, **3-ЛОТ.** бошланғич баҳоси 8 505 000 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч ГАЗ-322131-95 СНГ русумли д/р 80 М 000032 автотранспорт воситаси, **4-ЛОТ.** бошланғич баҳоси 3 360 000 сўм бўлган, 2007 йилда и/ч УАЗ-315148-095 русумли д/р 80 М 000034 автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 11.08.2014 йилга қадар соат 10-00 дан 16-00 гача қабул қилинади. (13-00-14-00 тушлик).

III. 2014 йил 10 июл куни соат 11-00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти «Чорванасл» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидаги **1-ЛОТ.** бошланғич баҳоси 2 975 000 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч ГАЗ-66 русумли д/р 80/ 143 МАА автотранспорт воситаси, **2-ЛОТ.** бошланғич баҳоси 2 720 000 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч ГАЗ-5312 бензавоз русумли д/р 80/ 014 GAA автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Buxoro filiali.

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 10-уй. Тел: 8 365 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19. 10
Topshirildi - 19. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 3 4 5